

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

№ 10/0005 - сонли

Қўштепа тумани

24 10 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Қўштепа туман мактабгача талим булими номидан Низом асосида иш кўрувчи рахбар И.Махмудова бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Қувасой Стандарт Қурилиш» маъсулияти чекланган жамияти номидан Низом асосида иш кўрувчи А.Полатов иккинчи томондан Қўштепа тумани МТБга карашли 5-сонли мактабгача таълим муасасасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйдаги таърифлар қўлланилади;

- **ижро хужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

- **қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

- **вақтинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

- **беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

- **шартнома нархини бўлиб чиқиш** – ишларнинг хар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиллаган холда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Смета хужжатларида кўзда тутилган лойиха бўйича ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини ўз ичига олган холда нархларда жами **105.000.000 (Бир юз беш миллион) сўм.**

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар қиймати Буюртмачи томони

дан ўзгартирилганда;

- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни таъминлайди;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шуниингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

- қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

- қурилиш майдони қуриқланишини таъминлаш;

- қурилишда таваккалчилик суғуртаси учун белгиланган суммага суғурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик суғуртаси тўғрисида шартнома тузади ва суғурта шартномаси билан суғурта полисини буюртмачига тақдим қилади.

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган ўзининг 20% га тенг бўлган ва унга хизмат кўрсатувчи банк тамонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кўзда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тулиқ ҳажмда тақдим қилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулиқ мулкый жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

-молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва молиялаштиришни амалга ошириш;

- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятларини олади;

12. Буюртмачи мазкур шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

14. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ишларни бажаради.

15. Объектни **20 календарь кунда** фойдаланишга топширилиши белгиланади .

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома бўйича ўзаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» қилинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишларига 30 % миқдорида аванс ўтказди, бу **31500000 (Ўттиз бир миллион беш юз минг)** сўмни ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш учун бюджетдан мақсадли берилган маблағлар 10 **банка** кунда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)

19. Буюртмачи томонидан молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.

20. Пудратчининг хисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тўлаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва Ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига катъий сарфланади.

21. Пудратчи жорий таъмирлаш ишларини молиялаштириш учун хисобот ойнинг охиригача кунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома хисоб-варақ-фактурани» ўзи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

22. Буюртмачига жорий таъмирлашни молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сўнг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома-хисоб-варақ-фактура» асос булади.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини узида саклайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида булади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини ёки техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

25. Беркитилган вакил ёки техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

26. Пудратчи беркитилган вакил ёки техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Беркитилган вакил техник аудитор пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойҳасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

КОРРУПЦИОН ҲОЛАТЛАРИНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРМАСЛИК ҲОЛАТИ

Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёхуд номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинишини қафолатлайди.

Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ва (ёки) асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон тизим орқали) ёки ишонч телефонлари орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда, томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, мурожаатни олган томон 10 (ун) иш куни мобайнида тушунтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ.

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

X. КАФОЛАТЛАР.

34. Пудратчи:

- барча ишларни тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиха хужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;
- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдорида жарима солиш ҳуқуқига эга.

XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

35. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш ишларини бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
 - ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
 - Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
 - Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

38. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

39. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

40. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

41. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 май 2003 йилдаги ПФ-3240 сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 395 сонли қарори билан, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди.

42. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:

42. Шартномага мувофиқ муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома бўлиши бўлиши оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш кўзда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка кунда сабабсиз пудратчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар ҳажмини асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- шартнома шартларига мувофиқ тайёр ҳолда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

43. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида қуйидаги ҳолларда мулкӣ жавобгар бўлади ва:

-Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам ҳажмда ишларни бажарса , мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан ҳар кечиктирилган кун учун 0.5% миқдорда пеня тўлайди.

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан ҳисобот ойининг охириг кунига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр ҳолда фойдаланишга топширмаса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ўн кундан ортиқ бўлмаган) муддатда бартараф қилмаса ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.

44. Агарда томонлардан бири ўз реквизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки мақомини нотўғри берса ва ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермаса айбдор тамон иккинчи тамонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдорида жарима тўлайди.

45. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор қилишга туғри келса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

46. Тамонларнинг мулкӣ жавобгарликка тортилиб тўлайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома қийматининг 30% дан ошмаслиги керак.

47. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкӣ талабларини далолатнома асосида тўлов талабномаси бўйича ақцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.

XIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

48. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки ўзгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан келишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат қилишлари мумкин.

XIV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

49. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

50. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатсиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи тамонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

51. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.
52. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.
53. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.
54. Мазкур шартноманинг нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига К.К.С. тўғрисида ўзгартиришлар киритилса қайта кўриб чиқилади.
55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.
56. Мазкур шартнома томонлар имзоланиб Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Ҳазначилиқдан рўйхатдан ўтгандан кейин юридик кучга киради ва ушбу шартнома 31.12.2022 йил гача амал қилади.
57. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

XV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

ПУДРАТЧИ:

БУЮРТМАЧИ:

“Қувасой стандарт қурилиш” МЧЖ	Қўштепа туман Мактабгача талим бўлими
Манзил: Қувасой шаҳар А.Азизов кўча 69-уй	Манзил: Қўштепа т. Бахмал 11 уй
Телефон: 91 658 79 44	Телефон: 73-425-10-08
х/р: 20208000700569958001	х/р: 100022860302067091100251001
ИНН: 303 739 080	ИНН: 305155389 ОКЭД: 91513
Банк: Универсалбанк Фарғона филиали	Молия вазирлиги газначилиги
МФО: 01131	х/р: 23402000300100001010
ОКОНХ: 61110	Банк: Марказий банк Тош.ш.
	МФО: 00014 ИНН: 201122919

Раҳбар  А.Полатов

Раҳбар  И.Махмудова

МЎ

МЎ



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

RE2607475740

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Tuman MTB tasarrufidagi 5-sonli DMTTni joriy ta'mirlash 105 000 000 so`m
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Qo'shtepa tumani maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 24.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Qo'shtepa tuman
yuridik xizmat
ko'rsatish markazi
bosh yuristkonsulti:**



I.T.ASAMUTDINOV

26.10.2022

ТАСДИҚЛАЙМАН

Қўштепа тумани Мактабгача таълим бўлими



И.Махмудова

18.10.2022 йил

Қўштепа тумани

Қўштепа тумани Мактабгача таълим бўлими томонидан 17.10.2022 йил кунги лот №22110012161084 билан 5-сонли мактабгача таълим ташкилотини жорий таъмирлаш ишлари бўйича давлат харидлари порталига қўйилган эълон якуни бўйича йиғилиш

БАЁНИ №3

Қатнашдилар: Р.Тошхўжаев - *Аъзо*
Ш.Тожиматова - *Аъзо*
М.Иброхимов - *Аъзо*
А.Абдураззақов - *Аъзо*
Н.Мирзакаримова - *Аъзо*

Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:

1. Қувасой Стандарт Қурилиш МЧЖ
2. Зиё Нур Инвест МЧЖ

Йиғилишда, иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар баҳолангандан сўнг 2 иш кунли мобайнида муҳокамада бўлган. Ушбу муддат ичида иштирокчи корхоналар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади. Юқоридагиларни инобатга олиб комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ҳатта қилинган энг яхши таклифни танлашда энг юқори балл тўплаган ғолиб иштирокчи Қувасой Стандарт Қурилиш маъсулияти чекланган жамияти билан шартнома имзолансин ҳамда энг яхши таклифни танлаш натижалари ҳақидаги маълумотлар (йиғилиш баёни ва шартнома нусхаси) тегишли тартибда Давлат харидларини ўтказиш махсус ахборот порталига жойлаштирилсин.

Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш комиссия раиси зиммасида қолдирилсин.

Комиссия аъзолари

Р.Тошхўжаев

М.Иброхимов

А.Абдураззақов

Н.Мирзакаримова

Йиғилиш котиби:

Ш.Тожиматова